
⚡Жалаерда янги оилавий поликлиника биноси фойдаланишга топширилди

Риштон туманида янги 100-сонли оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди. Жалаерликлар учун бугун яна бир катта байрам. Бугун 10 мингда зиёд аҳолиси бўлган ушбу худуддаги 100 - сонли оилавий поликлиника филиали биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Замонавий қиёфадаги ушбу муассасада оила шифокор, акушер-гинеколог, патронаж ҳамда кундузги стационар даволаниш учун барча шароитлар яратилган. Оилавий поликлиниканинг тантанали очилиш маросимида сектор раҳбарлари, соҳанинг масъул ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Поликлиникада аҳолига кулагайлик яратиш максадида бир қатор тиббий хизматлар кўрсатилиши назарда тутилган. Шунингдек, шифокорлар томонидан малакали тиббий хизмат кўрсатилиши билан бир қаторда кундузги стационар ҳамда лаборатория хизмати йўлга қўйилди. Муассаса энг замонавий русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

2022-04-28 13:35:42